

УРАЗОВА Раъно

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
 Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий
 ўрганиш
 UNESCO кафедраси доценти в.б., фалсафа
 доктори (PhD)
urazovar8@gmail.com

ЗАРДУШТИЙЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ- ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

СОЦИАЛЬНО - ИСТОРИЧЕСКИЕ ЗНАЧЕНИЯ ЗОРОАСТРИЙСКИХ ИДЕЙ

SOCIO-HISTORICAL SIGNIFICANCE ZOROASTRIAN IDEAS

Аннотация: Мазкур мақолада зардуштийликнинг вужудга келиши бронза ва илк темир даврларида жамиятнинг навбатдаги тараққиёт босқичи тақозоси сифатида таҳлил қилинган. Шунингдек, Зардуштнинг тарихий миссияси, зардуштийлик таълимотининг етакчи гоёси ҳисобланган эътиқод эркинлиги, таълимотнинг асосий белгиси қурбонлик орқали илоҳларга келтириладиган эҳсонларни инкор этиши масаласи ҳамда “Гоҳлар”да Зардушт шахсининг тарихийлиги ифодалари илмий асосланган.

Калим сўзлар: Зардуштийлик, Авеста, бронза, темир, Гоҳлар, Музрободсой, “Кенжа Авеста”, Митра, амэшаспента.

Аннотация: В данной статье анализируется возникновение зороастризма как необходимость очередного этапа развития общества в бронзовом и раннем железном веках. Также научно обоснованы историческая миссия Зороастра, свобода вероисповедания, которая считается ведущей идеей зороастрийского учения, идея отрицания жертвоприношений, приносимых богам, а также научно обосновано истории личности Зороастра в “Гаты”.

Ключевые слова: Зороастризм, Авеста, бронза, железо, Гаты, Музрабадсай, «Младо Авеста», Митра, амэшаспента.

Resume: This article analyzes the emergence of Zoroastrianism as a necessity of the next stage of the development of society in the Bronze and early Iron Ages.

The historical mission of Zoroaster, freedom of religion, which is considered the leading idea of the Zoroastrian doctrine, the idea of denying sacrifices offered to the gods, as well as the history of the personality of Zoroaster in the “Ghats” are also scientifically substantiated.

Key words: Zoroastrism, Avesta, bronze, iron, Gathas, Muzrabadsay, “Small Avesta”, Mithra, ashhaspensta.

КИРИШ

Зардуштийлик тарихий асосларга кўра дин асосчиси Зардушт орқали инсоният тафаккурига кириб келган энг қадимги динлар қаторида туради. Бу қадимий-фалсафий дунёқараш тизими кўпчилик олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, ўртача ҳисобланганда мил. авв. II минг йиллик ўрталаридан бошланиб, мил.авв. X-IX асрлар орасида муайян тизим шаклига келган. Бироқ, зардуштийликнинг генетик асосларида ибтидоий даврлардан хабар берувчи аломатлар жуда кўп бўлиб, айниқса, зардуштийлик тасаввури ва тафаккурига хос мифологик қатламлар примитив динлар даври қолдиқлари сифатида узоқ қадимият билан туташади. Ўша қадимият бағридан тўпланган тасаввурлар йиғиндиси диний қиёфа олиши мазкур келтирилган саналар орасида рўй берди.

Зеро, бу давр бронза асри бўлиб ижтимоий ҳаёт илк мулкчилик муносабатлари доирасига кирган, жамиятни бошқариш билан боғлиқ ташкилий муаммолар юзага келган ва оммани муайян мафкура атрофида бирлаштириш эҳтиёжи бўй кўрсатган давр эди. Бунга қадар зардуштийлик тарқалиши тарихий эҳтиёжга айланган маконда эътиқод шаклларида хилма-хиллиги, қабила ва уруғлараро илоҳий тушунчалардан ранг-баранглиги, ҳали мифологик асосларидан ажралмаган “диний” тушунчалар ҳукмрон эди. Айни шу мураккаб замонда омманинг эътиқод шакллари бирлаштириш хусусан, илоҳий зотларнинг бошини яқка улуглиққа боғлаш зарурияти замон тақозосига айланди. Чунки, бу даврда ижтимоий ҳаёт кичик воҳа ва воҳачалардан чиқиб, катта ҳудудий бирликлар доирасига ёйилган эди. Ўзбекистон мисолида бу жараёни сополли маданиятининг босқичларида кузатиш мумкин (Музрободсойдаги сополли жамоасининг демографик ҳамда иқтисодий салоҳияти ортиб бориши Шеробод воҳасининг

ўзлаштирилиши ва илк шаҳар Жарқўтон мажмуининг пайдо бўлишига олиб келган) [4]. Бу ҳолат зардуштийлик динининг тарихий шароит тақозоси шароитида талқин қилиш имконини беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Зардуштийлик бронза асрининг ривожланган босқичида тарихий тараққиётдан ундан буёнги имкониятлари чеклангани сабабли инқилобий фикр сифатида юзага келган, яъни худолари турлича бўлган ҳамда эътиқодлари хилма-хил жамият ижтимоий бирлашув зарурати олдида ожиз эди. Шу ҳақиқатни ўз давридан илғор фикрли вакили, ўзигача замонлардан етиб келган ибратларидан хабардор Заратуштра (Зардушт) биринчи бўлиб англаб етган, десак муболаға бўлмайди. Бу ҳақда бевосита ёзма маълумотлар йўқлиги сабабли, ушбу тафаккурий инқилоб даражасидаги воқелик моҳияти, муаллифлиги зардуштийлик номи билан боғлиқ бўлган “Гоҳлар” орқалигина тушуниш мумкин. Ўз навбатида, бундай ёндашув Зардуштдан шахси билан боғлиқ мураккаб муаммонинг калитидир. Ҳолбуки, Зардушт шахсини гоҳ ровий, гоҳ тарихий асосларда тушунтиришга уринишлар фанда кенг маълум.

Зардушт шахси билан боғлиқ фикрлар авесташуносликда энг машҳур ва ҳали хануз тугал ечимини топмаган масалалардан биридир. Бу мавзу атрофида Л.А.Лелеков таъбири билан айтганда, мутахассисларнинг турли даврларда билдирган ўта субъектив, баъзан тубдан хато фикрлари мужассам бўлган юзлаб асарлар мавжуд. Ҳатто жаҳон миқёсида турли нашрларда сочилиб ётган бу ҳақдаги катта-кичик асарларни библиографик жиҳатдан ҳам бир ерга тўплаш қийин. Уларда қўрилган асосий масала бўйича фикрларни тўрт йўналишга бўлиш мумкин:

1. Зардуштнинг тарихий шахс эканлиги;
2. Зардушт таълимотининг тарихий контексти замони ва макони;
3. Зардушт таълимотининг умумий моҳияти ва айрим диний-тарихий фалсафий талқинлари;
4. “Гоҳлар” билан Зардуштдан кейин юзага келган диннинг арконлари ўртасидаги муносабатлар номувофиқлиги [7. 304].

Мазкур тўрт йўналишдаги қарашларнинг умумий призмаси орқали Зардуштнинг шахси ва миссияси ҳақида фикр юритиш мумкин. Ҳолбуки, бугунгача бу соҳада эришилган фикрлар хилма-хиллигидан қатъий назар масалага ҳолисона ёндашиш учун етарли асослар бор, дейиш мумкин [11.162].

Зардуштнинг шахси ҳақида асосий маълумотларни юқорида айтганимиздек, асосан “Гоҳлар”дан излаш тўғридир. Бироқ “Кенжа Авеста” матнлари таркибида учрайдиган Зардушт билан боғлиқ лавҳалар асотирий хусусиятга эга бўлиб, улар у ёки бу маъбуд, ёки маъбудага мурожаат қилиб, ўз орзу-умидлари рўёбга чиқишини сўраб турган ҳолатларда акс этган [11.162]. Бинобарин, Зардушт шахси масаласида “Кенжа Авеста” матнларига суяниш маъбул эмас. Чунки, “Кенжа Авеста” матнлари китобат жараёнида муъбадлар томонидан киритилган инновациялар, деб баҳоланади [11.163]. Шу сабабли авесташуносларнинг аксарияти “Гоҳлар”ни Зардуштнинг шахсан ижоди маҳсули сифатида баҳолаган ҳолда, унинг шахсини тарихий деб кўрсатиш фикридадирлар. Бу олимлар Г.Виденгрэн, Ф.Альтхайм, Р.Хофмайстер, Ф.Юсти, Э.Леманн, В.Хинц, А.Мейе ва бошқалар [11.163]. Ушбу масала бўйича француз авесташуносларининг қарашлари бошқачароқ, улар кўпроқ Зардушт шахсини мифологик талқин қилиш тарфдори бўлиб келдилар (Ж.Дармстетер, М.Мопе, Ж.Келлен) [11].

Зардушт шахсини аниқлаш имкониятини берувчи бош манба Гоҳларда унинг исми Заратуштра шаклида 16 марта тилга олинган. Қизиғи шундаки, бу исм “Гоҳлар”да кўпинча учинчи шахс шаклида қўлланган. Айниқса, “Аҳунавайтий Гоҳлар” (28-34 боблар) туркумида Зардуштнинг исми учинчи шахсда келган [7.39-41]. Бироқ, Л.А.Лелеков бундан жиддий ҳулоса чиқармасликка чақиради [11]. Чунки, Шарқ поэтикасида муаллифлик учинчи шахсда кўрсатилиши қадимий анъанадир. Шу маънода 28-29 Ясна бобларида Зардушт учинчи шахсда турган бўлса, Яснанинг 30-40 боблари ҳамда “Ушнавайтий Гоҳ” (30-40 боблари) қисмларида шубҳасиз Зардуштнинг ўз сўзлари акс этган, деб ҳисоблаш мумкин. Яъни, бу қисмлар муаллифи Зардушт экани шубҳадан ҳоли [7.157-159].

Авесташуносликка улкан ҳисса қўшган инглиз олимаси М.Бойс Авеста матнларига яхлит назар билан “Гоҳлар” ва Кенжа Авеста ҳамда Ясна наскининг тарихан қадимий ҳисобланадиган қатламлари, ниҳоят Яшт алқовларида сақланган мифологик манзаралар ўртасида зиддиятларни инкор этади. М.Бойс Авестани бутунлай уйғун бирлик сифатида талқин қилади [5.303]. Олиманинг фикрича, “Гоҳлар” ва Кенжа Авеста ўзаро сингишиб кетган. Бу фикрдан шундай хулоса чиқадики, гўё Зардушт Авестанинг барча қисмларини ўзи ижод этган, ёки унинг ғояларини ўлимидан кейин муъбадлар синтезлаштирган. Бирок, Авеста матнлари шуни кўрсатадики, Зардушт реал тарихий шахс сифатида асосан, “Гоҳлар” даврига хос ижод муаллифидир [9.34-37]. Профессор М.Исҳоқовнинг фикрича, Зардушт қўшиқлари “Гаталар” деб аталган. Тилимизда бу сўз “Гоҳ” шаклида сақланиб келмоқда [7.11-12]. Бу хулоса Зардушт даврида Ясна, Яшт, Видевдот ғоялари йўқ эди, деган гап эмас. Чунки, Авеста китоб ҳолига келтирилиши жараёнида зардуштийликка қадар қадимий, ибтидоий ҳамда мифологик тасаввурлар дунёси Авестага кейинги даврларда, бу асар канонизация қилиниш жараёнида киритиб тўлдирилган. Айниқса, бу Видевдотнинг [3.96] мазмунида акс этган қонун-қоидалар тизимининг ўта даражада қатъийлашганида кўринади. Шундай қилиб, ушбу диний ислоҳот моҳиятини бошқача қилиб айтганда, Зардуштнинг тарихий шахс миссияси масаласига келсак, бу ҳақдаги фиктлар ҳам турли-туман. Аввало, М.Бойс ва унинг издошлари томонидан Зардуштнинг миссиясини ўта кенг талқин қилиш мисолидаги субъектив ёндашув Авестани бошдан оёқ муаллифлик ижоди даражасига олиб чиқади [5.303]. Бундай қараш Зардушт олиб келган яқка ҳудудлик назариясига унинг ўзини қарама-қарши қўяди. Яъни, агар Зардушт Яштлардаги илоҳиёт тизимини ҳам ўзи жорий қилган бўлса, “Гоҳлар”да бу илоҳиёт тизимининг йўқлиги Зардуштнинг илк қарашларига зиддир [7.11]. Бинобарин, Зардушт “Гоҳлар”да Яшт алқовларидаги маъбудлардан фақат Аҳура Маздани олий мақомга кўтариш билан чекланган. Қолган ўринларда Зардушт Аҳура Мазданинг турли сифатларидангина фойдаланган. Булар Олам Руҳи, Ҳақиқат,

Шаҳриёр, Эзгу Ният, Комил ақл (Армаитий) каби ташбеҳлардирким, Гоҳларнинг барча қўшиқларида асосан, шулар орқали фикр юритилган. Ҳаттоки, “Гоҳлар”да мазкур эзгу сифатларнинг яхлит бирлиги Аҳура Мазда номи билан боғлангани ҳолда ушбу эзгулик мажмуининг ягона душмани Дуруж (Авестада Драуга) – ёлғон тимсолида барча ёвузликлар мужассам этилган. Зардушт кўнглидаги ғоя эзгуликнинг ёвуз душмани Аҳриманнинг номи “Гоҳлар”да деярли учрамайди. Шунинг ўзиёқ, Зардушт ижодидаги эзгулик ва ёвузлик зиддияти доирасида Аҳриман қиёфаси “Гоҳлар”даги Спента Армаитий [13.134-137] (Муқаддас фикр) тушунчасига Анхра Майнью [14.57-60] (Аҳриман) – Ёвуз ният ғояси сифатида қарама-қарши қўйилган. Бундай зиддиятлашув бизнинг зардуштийликнинг улуғ муъбадлари томонидан кейинчалик киритилиб Авеста канонига жойлаштирилган. Демак, Зардушт миссияси ҳақида гап кетганда, асосий ғоялари “Гоҳлар”нинг талқинига тушунилиши мумкин. Зардушт ислоҳоти - ижодкор сифатидаги қиёфасини белгилашда олимларнинг бир қатор фикрларига мурожаат қилиш мумкин. Юқорида эслатилган М.Бойс мактабининг қарашларидаги рационал унсурларни инкор этмаган ҳолда белгиялик олим Ж.Дюшенгеймнинг фикрларини кўриб ўтамыз. Унга кўра, зардуштийликнинг маданий тарихий ўзига хослиги уч асосий кўринишда акс этади. Аввало, Ж.Дюшенгейм “Гоҳлар”ни Кенжа Авестадаги кўп ҳудудликдан кескин ажратади. Шунга кўра, юқоридаги уч кўринишнинг биринчиси сифатида Зардушт томонидан “Гоҳлар”да жоҳилият даврига хос эътиқод шакллариининг инкор этилишини кўрсатади. Ҳолбуки, Кенжа Авеста ўша қадимият эътирозларини қайта жонлантирилиб, ҳатто улар шахслаштирилган. Зардушт эса бу улкан илоҳиёт тизимини дастлаб ёвуз куч тимсоли қилиб, “Дайва” (Дев) – деб кўрсатган. Шунинг ўзиёқ Зардуштнинг бош ғоясида Аҳура Маздани улуғлаш биринчи ўринда туради. Бу ҳақда ўз даврида немис олими Х.Хумбах, француз олими Э.Бенвенестлар алоҳида фикр билдирган [6.144-147].

Мазкур жоҳилият ислоҳотлари орасида инкор этилганлардан бири дастлаб Митра эди. Бирок, Митра Кенжа Авестада энг

улуғ маъбудлар қаторида туради [10.37]. Э.Бенвенестнинг фикрича, Зардуштнинг бош мавзуси Мазда-Ясна, яъни Маздага эътиқод қаторида Митра-Ясна эътиқоди бир муддат муҳолифатда турган. Бу фикрни В.А.Лившиц ҳам таъкидлаган [12.156-185]. Ўз даврида А.Кристинсен, Л.Грент, Х.Нютерглар ҳам Зардушт мафкурасида анъанавий митраизмга қарши кураш руҳи бўлганини кўрсатишган [11.136].

Зардушт ижодий қиёфасидаги иккинчи кўриниш абадий барҳаёт муаккил ёки малоикалар – амешаспенталар билан боғлиқдир [15. 37-46]. Ваху Мана, Арта Ваҳишта, Спента-Армаитий, Хшастра-Варйа, Хаурватат, Амэретотлардан иборат тизим Гоҳларнинг етакчи моҳиятини ташувчи эманациялар, яъни Ахура Мазданинг тажаллилари ҳисобланади [8.18-19]. Бироқ бу масалада олимларнинг фикрлари турлича бўлиб, В.Хенинг ушбу олти малоика тизимини жуда нозик илоҳиёт конструкцияси деб атаган. Ҳатто, оммавий эътиқод учун уларни ноқулай бўлган, деб ҳисоблаган. Ҳолбуки, Зардушт бу олтиликни ҳинду-арий муштараклиги замонларидан ўз таълимоти доирасига олиб кирган ва бир вақтнинг ўзида Ведаларда бетартиб сочилиб ётган тажалли ғояларни аниқ тизимга солган ва уларни Ахура Мазданинг бевосита иродот ижрочиларига айлантирган [15.37-46].

Зардушт таълимотининг учинчи ўзига хос жиҳати, балки етакчи ғояси, эзгулик ва ёвузлик ўртасида буюк танлов масаласидир. Яъни, ҳар бир зардуштий яхшилик ва ёмонлик ўртасида танлашда эркинлиги масаласидир. Ушбу даъво тарихий илдизлари нуқтаи назаридан зардуштийликда илк бора ахлоқий-фалсафий канон даражасига етказилган. Зардуштгача бу каби ғояларнинг айрим унсурлари ҳинду-эрон, ҳинду-арий замонларида юзага келган бўлиб, Ведаларда маросимларнинг тўғри ёки нотўғри бажарилиши маъносида учрайди. Зардушт ислоҳотида эса эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлов масаласи аниқ шаклга кирган. “Ахунавайити Гоҳ”нинг учинчи қўшиғида (30- Ясна)да артавон ҳақпараст оғоҳ хушёрларга мурожаат этиб, “ҳар бирингиз назар ташлашингиз, то буюк ҳодиса рўй бермасдан, то қадамларимиз сўнгги манзилга етмасдан икки йўлдан бирини ўзингизга ихтиёр этингиз...” [7.52].

Ушбу қўшиқнинг 3-бандида эзгулик ва ёвузликнинг эгизаклиги ва уларни танлашда оғоҳлар эзгулик томонида, нооғоҳлар эса ёвузлик томонидан бўлади, дейилган [1.10-11]. Зардушт даъвати ва таъваллосининг асосий ғояси 31-Яснадан бошланади. Хусусан, унинг биринчи бандида Зардушт “Эй хушёрлар, - дея мурожаат этади ва дейди, - сизларни ҳали бирор маротаба эшитмаган ҳодисалардан оғоҳ этаман... Бу сўзларга дил боғлаган нарса ғоятда ёқади. Дуруж - ёлғонга қулоқ осганлар ва унинг таълимини олганлар. Оқибати ғоят хунук бўлади” [1.11]. Шундай қилиб, Зардушт ижодкорона қиёфасида инсоният тарихида илк бора изчил тизимга солинган таълимот асосчисини кўриш мумкин. Зардушт таълимотининг ноёб хусусиятларидан бири “ҳали ҳеч ким қулоғига етмаган сўз ҳақидаги ғоядир”. Бу сўз ўз навбатида, Ахура Мазданинг ҳақ сўзи бўлиб, Зардушт Маздага илтижо қиладики, “Сен ўз тилинг ва ўз каломинг билан ҳар икки гуруҳга (оғоҳ ва нооғоҳлар) бахш этиш ҳодисадан бизни оғоҳ айла. Ҳақиқат тарафида бўлганларга ваъда қилганинг бахт-саодатдан хабар бер. Токи, мен ушбу билан одам болаларини сенинг динингга даъват қилай” [7.304] ва ҳ.к.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан зардуштийликнинг вужудга келиши бронза ва илк темир асрлари бўлиб, бунда ижтимоий ҳаётда илк мулкчилик муносабатлари шаклланиши боис жамиятни бошқаришда омма муайян мафкура атрофида бирлаштириш эҳтиёжи туғилган эди.

2. Зардуштнинг тарихий миссияси ва таълимотининг асосий белгиларидан бири бу ибтидоий даврларда амал қилган қўп миқдорда қон тўкиш орқали келтирилаётган эҳсонларни инкор этишга қаратилган. Бундан қурбонликлар ўрнига қон чиқармасдан қилинадиган эҳсонлар жорий этилган (булар Хаома, турли нозу неъматлар, муқаддас олов учун ёнилғилар ва ҳ.к.).

3. Зардуштнинг ғоясига хос бўлмаган қурбонликлар анъанаси, “Кенжа Авеста”да канон доирасига қайтариб олиб киритилган. Жумладан, Ардви Сура (Обон Яшт) алқовида ҳатто, Ахура Мазданинг ўзи Ардви Сурага намоз

бағишлаб, Зардушт кўнглига унинг ҳақиқати жо бўлишини сўрайди. Шу алқовнинг 6-бандидан бошлаб эса, Хушанг, Ажи Дахҳок, Фаридун, Курушапс, Франгхрасиён, Тус, Жомасп ва бошқалар юзлаб, минглаб чорвани Ардви Сура йўлида қурбонликлар қилиб, улардан ўз ният-истакларини илтижо қиладилар [2.126]. Бу ҳолни Зардушт ғоялари қадимий анъаналар ҳисобига қайта-қайта ишланганлигининг оқибати, дея баҳолаш мумкин.

4. Зардуштдан кейинги ҳаракатлар Авестани шакллантирган пайғамбарнинг ғоясини ҳам яхши билишган. “Ахунавад Гох”нинг матнларида Зардушт тақдим этган Хаоумани эҳсон қилиш аломатлари четда қолдирилмаган. Масалан, Ахура Мазданинг эҳсонидан сут қўшилган Хаома бир неча ўринда қайд этилган ва ҳ.к. [7.304].

АДАБИЁТЛАР:

1. Авесто: Тарихий-адабий ёдгорлик // Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.:Шарқ, 2001. - 384 б., 16 б. зарварақ. – Б.10-11.
2. Авесто: Яшт китоби. / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. - 126 б.
3. Авеста: “Видевдот” китоби. / М.Исҳоқов тарж. – Т.: ТДШИ нашриёт - босмаҳона бўлими, 2007. - 96 б.
4. Асқаров А.А. Сополлитепа. –Т.:Фан, 1977. Яна қаранг: Асқаров А.А., Абдуллаев В.А. Жаркутан. –Т.: Фан, 1983.
5. Бойс Мэри. Зороастрийцы. Ворование и обычаи. – М.: Наука, ГРВЛ., 1988. - 303 с.
6. Benveniste E. Hommes et dieux dans l’Avesta/ Fest – schrift Eilers, 1967. – S.144-147.
7. Исҳоқов М. **Авеста: Зардушт “Гох”лари (маъно ўғирмалари ва герменевтик талқинлари).** – Т.: Bookmany print, 2022. - 304 б.
8. Исҳоқов М.М. Қадимги давлатчилигимиз тарихидан // Таълим муаммолари. 2006. - № 1. – Б.18-19.
9. Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М.Стеблин-Каменского. Санкт-Петербург, 2009. – С.34-37.
10. Жўраев Ш. Авестанинг Яштларида маъбудлар. – Т.: ТДШИ, 2009. - 34 б.
11. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.,1992. – С.162.
12. Livshits V.A. New Parthian documents from South Turkmenistan. – ААН, 25, 1977. - R.156-185.
13. Уразова Р.Т. “Авеста”да фаришта Спента Армаитий. Марказий Осиё тарихи: Манбашунослик

ва тарихнавислик изланишлари. Республика илмий-назарий конференцияси. – Тошкент, 2010. – Б.134-137.

14. Уразова Р.Т. “Авесто”да ёвузликнинг универсал кифаси. Илмий-таҳлилий ахборот. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент, 2011. - № 1. – Б.57-60.

15. Уразова Р.Т. Ameshaspentas und ihre funktionsanalyse in Avesta (Asha-Vahishta und Vahu-Mana). Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities ISSN 2749-0866. Vol.2 Issue 1.7. – P.37-46.